

## **IX. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига олинган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) 367,9 мингтага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56,2 мингтага ёки 18,0 % ошган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларниң ягона давлат регистри түйғрисидаги Низомни тасдиқлаши ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхона ва ташкилотларниң ягона давлат регистри базаси юритилади.*

### **Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларниң иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, минг бирликда (фермер ва дехқон хўжаликлидан ташқари)**


	01.04.2018 йил		01.04.2019 йил	
	Умумий сони	жамига нисбатан % да	Умумий сони	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>311,7</b>	<b>100</b>	<b>367,9</b>	<b>100</b>
<i>ишуندан</i>				
кишлoқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	23,8	7,6	27,6	7,5
саноат	52,8	16,9	65,2	17,7
курилиш	27,9	9,0	33,1	9,0
савдо	68,6	22,0	88,1	23,9
ташиш ва сақлаш	13,0	4,2	14,6	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	19,0	6,1	23,1	6,3
ахборот ва алоқа	6,9	2,2	7,7	2,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,3	2,0	7,2	2,0
бошқа турлар	93,4	30,0	101,3	27,5

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг сони**  
*(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)*



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 23,9 % и савдо, 17,7 % и саноат, 9,0 % и қурилиш, 7,5 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,3 % и яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,0 % и ташиш ва сақлаш, 2,1 % и ахборот ва алоқа соҳасида, 2,0 % и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида ва 27,5 % и бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг улуси, %**  
*(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)*



Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (77,1 минг), Тошкент (38,2 минг), Фарғона (32,3 минг), Самарқанд (29,2 минг) вилоятларига, энг камлари Сирдарё (11,9 минг), Навоий (12,1 минг) ҳамда Жиззах (16,2 минг) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг  
худудлар бўйича тақсимланиши, минг бирлиқда  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**


	01.04.2018 йил		01.04.2019 йил	
	Умумий сони	жамига нисбатан % да	Умумий сони	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	311,7	100,0	367,9	100,0
Қорақалпогистон Республикаси	15,0	4,8	17,2	4,7
<b>вилоятлар:</b>				
Андижон	27,0	8,6	30,6	8,3
Бухоро	17,2	5,5	21,2	5,8
Жиззах	13,6	4,4	16,2	4,4
Қашқадарё	19,9	6,4	23,3	6,3
Навоий	10,2	3,3	12,1	3,3
Наманган	21,4	6,9	24,2	6,6
Самарқанд	23,3	7,5	29,2	7,9
Сурхондарё	15,4	4,9	17,1	4,6
Сирдарё	10,4	3,3	11,9	3,2
Тошкент	32,0	10,3	38,2	10,4
Фарғона	27,1	8,7	32,3	8,8
Хоразм	14,6	4,7	17,3	4,7
Ташкент ш.	64,6	20,7	77,1	21,0

Охирги беш йилликка эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизда 2014 йилда давлат рўйхатидан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони 270,7 мингтани (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 апрель ҳолатига 367,9 мингтани ташкил этган.

**Фаолият кўрсатаётган** корхоналар ва ташкилотлар сони 350,7 мингтани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 54,3 мингтага (18,3 %) ошган.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши **95,3 %** ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши **4,7 %** ни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослагандага 0,1 % ошган.

### **Фаолият кўрсатаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва ташкилотлар улуши, % (фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)**




Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 23,8 % савдо, 17,8 % саноат, 9,0 % қурилиш, 7,4 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,0 % ташиш ва сақлаш, 2,0 % ахборот ва алоқа, 2,0 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 27,8 % бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келади.

### **Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % (фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)**




Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони энг кўпи Тошкент шаҳри (74 660 та), Тошкент (32 534 та), Фарғона (31 898 та), Андижон (29 253 та) ва Самарқанд (27 889 та) вилоятарида ва аксинча Сирдарё (11 033 та), Навоий (12 023 та) ва Жиззах (15 498 та) вилоятларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар  
ва ташкилотлар сони, бирликда**  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил январь - март ойларида 31 593 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2 марта ошган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (6 495 та), Самарқанд (3 077 та), Тошкент (2 942 та) ва Фарғона (2 925 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Аксинча, Сирдарё (816 та), Навоий (944 та) ва Жиззах (1365 та) вилоятларида янги ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада.

**Худудлар кесимида янги ташкил этилган корхоналар ва  
ташкилотларнинг сони, бирликда**  
(фермер ва дөхқон хўжаликлиридан ташқари)



Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, корхонлар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (13 619 та), саноат (6 455 та), қурилиш (2 799 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига (1 860 та) янги ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (301 та), ахборот ва алоқа (370 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (879 та) фаолият турларига тўғри келган.


**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**  
(фермер ва дөхқон хўжаликлиридан ташқари)

	2018 йил январь-март ойларида		2019 йил январь-март ойларида	
	Умумий сони	жамига нисбатан % да	Умумий сони	жамига нисбатан % да
<b>Жами республика</b>	<b>15 495</b>	<b>100</b>	<b>31 593</b>	<b>100</b>

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 728	11,2	1 860	5,9
саноат	3 018	19,5	6 455	20,4
қурилиш	1 668	10,8	2 799	8,9
савдо	3 070	19,8	13 619	43,1
ташиш ва сақлаш	563	3,6	879	2,8

	2018 йил январь-март ойларида		2019 йил январь-март ойларида	
	Умумий сони	жамига нисбатан % да	Умумий сони	жамига нисбатан % да
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	947	6,1	2 207	7,0
ахборот ва алоқа	362	2,3	370	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	369	2,4	301	0,9
бошқа турлар	3 770	24,3	3 103	9,8

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



2019 йил 1 апрель ҳолатига 291,5 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 78,9 мингта, оиласий корхоналар – 18,6 минг, масъулияти чекланган жамиятлар – 187,1 мингта ва бошқалар 6,9 мингтани ташкил этган.


**Ташкилий хуқуқий шакллари таснифлаги чўйича фаолият кўрсатаётган  
тижорат корхоналарининг сони, минг бирликда**  
(фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)



Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шахри (65 979 та), Тошкент (27 118 та), Фарғона (26 117 та), Андижон (24 517 та) ва Самарқанд (22 485 та) вилоятларида. Сирдарё (9 018 та), Навоий (9 981 та) ва Жиззах (12 480 та) вилоятларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги кузатилади.


2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 8 280 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 465 тага ёки 42,4 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси хиссаларига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда**



Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4 302 таси қўшма, 3 978 таси эса хорижий корхоналар хисобига тўғри келади.

#### **Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида 5 082 та (жамидаги улуши 61,4 %), Тошкент 913 та (11,0 %) ва Самарқанд вилоятида 430 тани (5,2 %) ташкил этган. Энг ками Хоразм вилоятида 81 та (1,0 %), Қашқадарёда 114 та (1,4 %), Сирдарё вилоятида 117 та (1,4 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 128 тани (1,5 %) ташкил этади.

Бу эса мазкур худудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

#### **Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	8 280	100
Қорақалпоғистон Республикаси	128	1,5
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	245	3,0
Бухоро	193	2,3

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Жиззах	142	1,7
Қашқадарё	114	1,4
Навоий	133	1,6
Наманган	156	1,9
Самарқанд	430	5,2
Сурхондарё	229	2,8
Сирдарё	117	1,4
Тошкент	913	11,0
Фарғона	317	3,8
Хоразм	81	1,0
Тошкент ш.	5 082	61,4


Агар 2019 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда - 3 188 та (38,5 %), савдода – 1 891 та (22,8 %) ҳамда бошқа фаолият турларида эса - 1285 тани (15,5 %) ташкил қилган. Энг камлари эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда - 116 та (1,4 %), ахборот ва алоқада - 223 та (2,7 %), ташиб ва сақлашда - 231 та (2,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 413 тани (5,0 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда - 352 тани (4,3 %) ва қурилишда - 581 тани (7,0 %) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келган.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(2019 йилнинг 1апрель ҳолатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
<b>Жами</b>	<b>8 280</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	413	5,0
саноат	3 188	38,5
курилиш	581	7,0
савдо	1 891	22,8
ташиш ва сақлаш	231	2,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	352	4,3
ахборот ва алоқа	223	2,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	116	1,4
бошқа турлар	1 285	15,5


**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш  
динамикаси, бирликда**



2019 йилнинг январь - март ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 850 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 463 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 131 та, Туркия Республикаси – 117 та, Хитой Халқ Республикаси - 119 та, Қозоғистон Республикаси – 90 та ва Корея Республикаси – 65 та ҳамда 328 таси бошқа давлатлар хиссасига түгри келган. Шунингдек, 2019 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари томонидан қўшма фаолиятга қизиқиши билдиришган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимида улуши, %  
(2018 йил январь-март ойларида)**



Янги (850 та) ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (460 та), Тошкент (84 та), Самарқанд (36 та) ва Фарғона (36 та) вилоятлари хиссаларига түғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Сирдарё (10 та), Хоразм (13 та) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини (11 та) киритиш мумкин.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



Агарда янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 255 та, савдода 242 та, қурилишда 99 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 71 та ва бошқа фаолият турларида 85 тани ташкил этган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш динамикаси, бирликда**

	2018 йил январь-март		2019 йил январь-март	
	Жами	жамига нисбатан % да	Жами	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>387</b>	<b>100</b>	<b>850</b>	<b>100</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	33	8,5	71	8,4
Саноат	134	34,6	255	30,0
Курилиш	32	8,3	99	11,6
Савдо	108	27,9	242	28,5
Ташиб ва сақлаш	9	2,3	24	2,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	11	2,9	33	3,9
Ахборот ва алоқа	16	4,1	22	2,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6	1,6	19	2,2
Бошқа турлар	38	9,8	85	10,0

Шунингдек, 2019 йил 1 апрель ҳолатига хорижий капитал иштироқидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 282 та бўлиб, булар Тошкент шахри (113 та), Тошкент (113 та), Самарқанд (13 та), Наманган (9 та), Бухоро (8 та), Андижон (7 та) ва Сирдарё (4 та) вилоятларидадир.

2019 йил 1 апрель ҳолатига республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг сони 289,7 минг (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 21,4 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микро фирмаларнинг асосий қисми, яъни 65,4 мингтаси (22,6 %) Тошкент шахри, 26,9 мингтаси (9,3 %) Тошкент, 26,0 мингтаси (9,0 %) Фарғона ҳамда 24,4 мингтаси (8,4 %) Андижон вилоятларида. Энг ками Сирдарё вилоятида 9,0 мингта (3,1 %), Навоийда 9,9 мингта (3,4 %), Жizzахда 12,4 мингта (4,3 %), Сурхондарё вилоятида 13,1 мингта (4,5 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида 13,1 мингта (4,5 %) ни ташкил этган.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик  
тадбиркорлик субъектлари сони**  
(фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)


	01.04.2018 йил ҳолатига		01.04.2019 йил ҳолатига	
	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>238 513</b>	<b>100</b>	<b>289 659</b>	<b>100</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10 986	4,6	13 106	4,5
<b>вилоятлар:</b>				
Андижон	20 825	8,7	24 407	8,4
Бухоро	13 132	5,5	16 880	5,8
Жиззах	10 023	4,2	12 445	4,3
Қашқадарё	14 861	6,2	18 051	6,3
Навоий	7 923	3,3	9 923	3,4
Наманган	16 151	6,8	18 776	6,5
Самарқанд	16 843	7,1	22 373	7,7
Сурхондарё	11 163	4,7	13 098	4,5
Сирдарё	7 683	3,2	8 977	3,1
Тошкент	22 790	9,6	26 895	9,3
Фарғона	21 099	8,8	26 040	9,0
Хоразм	11 138	4,7	13 335	4,6
Тошкент ш.	53 896	22,6	65 353	22,6

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 289,7 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 83,1 мингтаси (28,7 %) савдо, 61,8 мингтаси (21,4 %) саноат, 31,4 мингтаси (10,8 %) қурилиш, 25,4 мингтаси (8,8 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 21,5 мингтаси (7,4 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 13,8 мингтаси (4,8 %) ташиш ва сақлаш, 7,0 мингтаси (2,4 %) ахборот ва алоқа, 5,6 мингтаси (1,9 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 39,9 мингтаси (13,8 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади.

Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши  
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олингандарнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига Тошкент вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 16,5 % ни (5322 та) ташкил қилган, Тошкент шахрида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 3,1 % ни (2073 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 683 тага ўсган.

2019 йил январь - март ойларида 30,4 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 2,3 марта га кўпроқdir. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Тошкент шахри (6 304 та), Самарқанд (2 940 та), Тошкент (2 856 та) ва Фарғона (2 851 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Сирдарё (789 та), Навоий (889 та) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (1280 та) вилоятларида ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**




Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи савдода 13 604 та, саноатда 6 444 та, қурилишда 2 789 та ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 1 835 та ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишида 297 та, ахборот ва алоқада 366 та ҳамда ташиб ва сақлашда 879 та ташкил этилган.




**Оилавий корхоналар.** 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 19 405 тани ташкил этиб, улардан 18 634 таси ёки 96,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртacha 46,5 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

### **Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда (1-апрель ҳолатига)**



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 36,6 % ёки 6 819 таси саноат, 21,9 % ёки 4 081 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 19,4 % ёки 3 615 таси савдо, 10,1 % ёки 1 888 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,2 % ёки 217 таси қурилиш, 1,1 % ёки 196 таси ташиш ва саклаш, 1,0 % ёки 188 таси соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 0,9 % ёки 168 таси ахборот ва алоқа ҳамда 7,8 % ёки 1 462 таси бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келмоқда.

## **Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %**




Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият күрсатаётган оилавий корхоналарниг 2019 йил 1 апрель ҳолатига энг күпи саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар күрсатиш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига түғри келади.

2019 йилнинг январь-март ойларида жами 2 894 та корхоналар ва ташкилотлар (фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 360 тага камайган.

Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириш борасида юртимизда талайгина ижобий ўзгаришлар қўзга ташланиб, қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиши даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2017 йилда 4491 та, 2018 йилда 4254 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини якунлаган бўлса, 2019 йилнинг январь-март ойларида ушбу кўрсаткич 2894 тани ташкил этган.

**Янги ташкил этилган ва тугатилган  
корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда**  
(фермер ва дөхқон хўжаликларидан ташқари)  
(январ-март ойларида)



Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 24,5 % ёки 710 таси савдо, 17,1 % ёки 496 таси саноат, 8,5 % ёки 246 таси қурилиш, 9,6 % ёки 277 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,6 % ёки 190 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 3,6 % ёки 104 таси ташиб ва сақлаш, 2,5 % ёки 73 таси ахборот ва алоқа, 1,3 % ёки 37 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 26,3 % ёки 761 таси бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий  
фаолият турлари бўйича сони, бирликда  
(фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)**

	2018 йил январь-март ойларида		2019 йил январь-март ойларида			
	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	фарқи, (+,-)	
	<b>Жами</b>	<b>4 254</b>	<b>100</b>	<b>2 894</b>	<b>100</b>	<b>-1360</b>

шундан:

Кишлoқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	383	9,0	277	9,6	-106
Саноат	771	18,1	496	17,1	-275
Курилиш	421	9,9	246	8,5	-175
Савдо	1 241	29,2	710	24,5	-531
Ташиб ва сақлаш	176	4,1	104	3,6	-72
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	311	7,3	190	6,6	-121
Ахборот ва алоқа	121	2,9	73	2,5	-48
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	63	1,5	37	1,3	-26
Бошқа турлар	767	18,0	761	26,3	-6

2019 йил январь - март ойларида 2 515 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Уларнинг асосий қисми 705 таси (28,0 %) савдо, 492 таси (19,6 %) саноат, 244 таси (9,7 %) курилиш, 265 таси (10,5 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 189 таси (7,5 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 103 таси (4,1 %) ташиш ва сақлаш, 70 таси (2,8 %) ахборот ва алоқа, 29 таси (1,2 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 418 таси (16,6 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

### **Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий**

#### **фаолият турлари бўйича улуши, %**

*(фермер ва дехқон ҳўжаликларидан ташқари)*



Тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш натижасида ҳудудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Ушбу йўналишда асосан Тошкент шахрида - 378 та, Наманганд - 378 та, Бухоро - 178 та ҳамда Самарқанд - 175 та, Андижон - 129 та ва Фарғона - 104 вилоятларида кичик корхона ва микрофирмалар 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.